## Ҳисоб - ШАРТНОМА № 28
(сиқилган ва табиий газ сотиш-олиш учун)

«20» 01 2022 йил Термиз шахри

**«NORALIBEK IMKON BARAKA» МЧЖ** номидан кейинги ўринларда «Сотувчи» деб юритилади, Низом асосида бошлиқ **Н. М. Кўчаров** бир томондан, Сур.вил.Тиббий ишчим.жиз.рив.баш/си номидан кейинги ўринларда
(корхона, ташкилот номи)

«Харидор» деб юритилади, низом асосида иш юритувчи Ю.Маматкодов иккинчи томондан,куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузидлар:
(вазифаси,фамилияси,исми)

### 1. Шартнома асослари:

1.1. «Сотувчи» маҳсулот билан таъминлаш мажбуриятини зиммасига олади. «Харидор» олннган маҳсулот ишлатилишини ва махсулот учун белгиланган тартибда ўз вақтида тўловни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

| Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | нархи | ҚҚС | Акциз солиғи | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Сиқилган таббий газ балонли автомашиналар учун (СПГ) м.кубда | м³ | 1500 | 2400 | 15% | | 3600000 |

1.2. «Сотувчи» автомобилларга сиқилган газ тўлдириш компрессор станция (АСГТКС)си орқали «Харидор»автомашиналаридаги газ баллонларни газ тўлдириш билан амалга оширилади.

1.3. Таъминот санаси бўлиб «Харидор» автомашинасининг газ олган вақти хисобланади.

1.4.Сиқилган таббий газ 1 м3 учун бахоси ҚҚС билан белгиланган ва шартнома тузилган кунига 3600000 сум ташкил этади.

### 2. Ҳисоб-китоблар тартиби:

2.1. Шартноманинг тузилиш вақтидаги умумий сумма Уч миллион олти юз сум

2.4. Сикилган табиий газнинг 1м $^{3}$ ва Қ Қ С , махсулот учун тўлов олинган кундаги нарх билан амалга оширилади.

2.5. Сикилган табиий газни куйиш “Харидор” томонидан “Сотувчи” ҳисоб рақамига олдиндан 100% пул маблағи кўчирилгандан сўнг “Харидор” томонидан тақдим қилинган рўйхат, ишончнома ва белгиланган тартибдаги тарқатиш ведомости (№ 1илова)га асосан кўчирилган пул маблағи доирасида амалга оширилади.

### 3.Махсулот сифати.

3.1. “Сотувчи” томонидан берилаётган махсулот сифати Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган ГОСТ 27577-87 га тўғри келади.

### 4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. «Харидор»автомобилларнинг техник холатини, техника хавфсизлигини, ёнғин хавфсизлигини ва газ баллон ускуналарининг экологик ва санитария хавфсизлигининг сақланиши юкланади.

4.2.“Харидор”мажбур: а) автомобилнинг газ баллон ускуналаридан фойдаланишда “босимда ишлайдиган идишларнинг тузилиши ва хавфсиз ишлатиш қоида” си, тегишли барча харакатдаги қўлланмалар ва йўриқномалар талабларини тўлиқ сўзсиз бажаришга.

б) Автомобилнинг моддий қисми ва газ баллон ускунасини доимо соз ҳолатда сақлашга.

в) Йўл варақасида баллонлар сони, ва уларнинг геометрик хажми, техник холати тўғрисида белги қўйишга.

г) Автомобилга газ қуйиш учун белгиланган тартибда рухсатнома олишга.

д) Баллонлар геометрик хажмини 0,5 аниқликдаги маълумотларини автомобил техник паспортида ёки қўшимча варақда автомобил қисмида махсус табличкада ёзиб кўрсатиш.

4.3.«Сотувчи»нинг зиммасига “АСГТКШ”да жорий таъмирлаш ишлари бошланишидан1(бир) кун олдин,капитал ремонт ишлари бўлишидан 15(ўн беш) кун олдин “Харидор”ни хабардор қилиш юклатилади.

4.4. Таъминотчи мажбур:

а) Махсулот таъминотини ушбу шартнома шартлари ва нормалари доирасида олиб боришга.

б) Харидор томонидан белгиланган тартибда газ қуйиш регламенти ва ушбу шартнома шартларининг бажарилмаслиги,”Сотувчи” томонидан сиқилган газ қуйиш шартларини бажармаслигига олиб келади.

### 5. Газнинг хисоби ва хисоб тартиби.

5.1. "Харидор"га берилаётган сиқилган табббий газнинг миқдори, "Сотувчининг 4 дона КЭМ-200 маркали (завод рақами№Д34/1№Д34/2,№Д35/1 №Д35/2,№Д36/1, №Д36/2, №Д37/1№Д37/2,) газ қуйиш колонкаси, "Ўзстандарт" агентлиги "Метрология хизматлари кўрсатиш маркази" Давлат корхонаси томонидан берилган№02.4600-сонли "ўлчаш воситаларини метрологик шаходатлаш сертификати" ва коомпрессорга маркаси ООО"ОРИОН-Д"№1371860 Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими, "Саноатконтехназорат" Давлат назорат инспекцияси товарларни сертификатлаш бўлими томонидан берилган UZSMT.01.047.1482633- сонли "мувофиқлик сертификати"га асосан, "Истемолчи"га берилаётган газнинг хажми ва миқдорининг хисоби олиб борилади.

### 6. Томоналарнинг мулкий-хукуқий жавобгарлиги.

6.1. Сиқилган табиий газнинг ушбу шартномада белгилангандан ортиқча олиниши қўшимча келишув битими билан расмийлаштирилади.

6.2. Берилган сиқилган таббий газ учун тўловлар "Харидор" томонидан кечиктирилса хар бир кечиктирилган кун учун 2% устама хисобланади.

6.3. "Сотувчи томонидан шартномада белгиланган талабларнинг бажарилмаслиги 0,2% бажарилмаган қисмига устама хисобланади.

6.4. Мажбуриятларининг тўлиқ бажарилишини, сиқилган табиий газ учун тўловларнинг вақтида тўланишини таъминлаш мақсадида "Сотувчи","Харидор"дан нотариал идорада тасдиқланган мулкини бериш тўғрисидаги кафолатини талаб қилиши мумкин.

6.5. Ушбу хисоб шартнома шартларининг қисман ёки тзлиқ бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида жавоб берадилар.

### 7. Форс- мажор

7.1. "Сотувчи" ва "Харидор" томонидан сиқилган табиий газ бериш ва қабул қилишини камайтиришлари қуйидаги холларда зиммаларига жавобгарлик юкламайди.

а) электр тармоқларида содир бўлган авария холларида,

б) таббий офатлар (ёнгин,зилзила,сув тошқинлари) юз берган холларда,

в) электр тармоқларини ва газ линияларини таъмирлаш учун тўхтатилганда,

### 8. Амал қилиш муддати ва бошқа холатлар.

8.1.Ушбу хисоб шартнома томонлар томонидан имзолангандан кейин кучга киради ва 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

8.2.Ушбу хисоб шартнома 2(икки) нусхада тузилган ва томонлар учун бир хил юридик кучга эга.

8.3. Ушбу хисоб Шартномада назарда тутилмаган холатлар амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида кўриб чиқилади.

8.4. Ушбу хисоб шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ўзаро келишуви билан киритилади.

### 9. Келишмовчиликлар хал этилиши.

9.1. Томонларда келишмовчиликларнинг пайдо бўлиши, ўзаро келишувлар асосида хал қилинади. Хал этилмаган қисмлари судлар орқали Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунлар доирасида хал қилинади.

### 10. Томонларнинг юридик манзили.

| «СОТУВЧИ» | «ХАРИДОР» |
|---|---|
| «NORALIBEK IMKON BARAKA» МЧЖ | Сур. вил. Тиббий ижт. ҳиз. рив. бош/си |
| Термиз шахри А.Навоий кўч.63/44 уй | Термиз шаҳар Навбаҳор кўча 3 уй |
| Тел:/факс 8-376-22-1-34-59 | Тел 223-39-80 |
| Х/Р: 20208000704914567001 | Х/Р 100021860224017076909344001 |
| ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанк | Банк Марказий банк Тошкент.ш. ҲККМ |
| Сурхондарё минтакавий филиали | МФО 00014 ИНН 306409275 |
| МФО: 01045 ИНН:301957255 | ОКОНХ 201122919 |
| ОКЭД: 47410 | |
| М.Ў. | М.Ў |
| РАҲБАР: ________ N. M. KUCHAROV | РАҲБАР: ________ Ж.Й. Махаражабов |

Ҳуқуқшунос хулосаси:

Ушбу шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси,"Хўжалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун ва бошқа қонун хужжатларига мувофиқ тайёрланган.

Шартнома лойихасининг шартлари, хусусан тарафларнинг хуқу ва мажбуриятлари,хисоб-китоб қилиш тартиби, тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни хал этиш тартиби, форс-мажор ва жавобгарликдан озод этиш масалалари амалдаги қонун хужжатлари талабларига мос келади.

юрист

Ш. Ургашева

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI TERMIZ SHAHAR HOKIMLIGI

# LITSENZIYA

AA № 0400

Mazkur litsenziya bilan "NORALIBEK IMKON BARAKA"
(litsenziya egasining to'liq nomi)
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИГА
(faoliyatining amalga oshirilgan turi)
УЛГУРЖИ САВДО
ФАОЛИЯТИ amalga oshirishga ruxsat beriladi.

Litsenziya egasining joylashgan joyi (pochta manzili) ТЕРМИЗ ШАХАР А.НАВОИЙ КЎЧАСИ 63 - МАГИЗАГОХ

Soliq to'lovchi litsenziya egasining identifikatsiya raqami 301957255

Litsenziya berilgan sana 2016 йил 11 МАРТ

Litsenziyaning amal qilish muddati cheklanmagan

Reyestr bo'yicha tartib raqami 1400

Vakolatli shaxs:
П.ТОШПУЛАТОВ
(F.I.O.)

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga
"NORALIBEK IMKON BARAKA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat
(yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)
"NORALIBEK IMKON BARAKA" MChJ
(yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish, ma'lumotlarini o'zgartirish)

23.03.2016 | 644 | ro'yxat raqami yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.
(sana, oy, yil) (raqam)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR) 301957255

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Surxandaryo viloyati, Termiz, A.NAVOIY, 63, 11

Guvohnoma: Surxandaryo viloyati, Termiz, YAGONA DARCHA MARKAZI tomonidan berilgan
(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning nomi)

YAGONA DARCHA MARKAZI

RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI TERMIZ SHAHAR "NORALIBEK IMKON BARAKA" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
«NORALIBEK IMKON BARAKA» M.CH.J.